

ҚАДИМГИ ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ



10.34920/2181-8207/2025/1-163



Дилноза Азимова,
Педагогика фанлари
бўйича фалсафа
доктори (PhD)
Фанлар академияси
тарих институти
кутубхоначиси

Annotation: In the article, it is stated that ancient world libraries served not only as repositories of texts but also as vibrant centers of knowledge, culture, and governance. The creation of the first libraries in world history and their development are examined through examples such as the libraries of Mesopotamia, Egypt, and the medieval and Renaissance-era “Bayt al-Hikma” (House of Wisdom). The history of libraries began approximately 5000 years ago in Mesopotamia with clay tablets. Mesopotamian libraries can be divided into three main types: temple libraries, palace libraries, and private libraries.

It is believed that in the 300th year BCE, the library in Alexandria, Egypt, housed up to 400,000 papyrus scrolls, where scholars like Euclid and Archimedes worked. The next library, from the Middle Ages, is the Abbasid library in Baghdad, Iraq. “Bayt al-Hikma” (“House of Wisdom”) was recognized as the first major library of Baghdad.

Indeed, ancient libraries laid the foundations for modern systems of knowledge by preserving texts in disciplines such as science, philosophy, medicine, and history.

Keywords: Ashurbanipal Library, clay tablets, the Epos of Gilgamesh, the Library of Alexandria, papyrus scrolls, royal library, Renaissance, “Bayt al-Hikma”.

Аннотация: В статье пишут, что древние мировые библиотеки служили не только «хранилищами текстов», но и живыми центрами знаний, культуры и управления. Создание первых библиотек в истории мира и их процесс развития рассматриваются на примере библиотек Месопотамии, Египта, а также средневековых и эпохи Возрождения «Байт ал-Хикма» (Дом мудрости). История библиотек началась примерно 5000 лет назад в Месопотамии с глиняных табличек. Библиотеки Месопотамии можно разделить на три основных типа: храмовые библиотеки, дворцовые библиотеки и личные библиотеки.

Считается, что в 300 году до н.э. библиотека в Александрии, Египет, хранила до 400 000 папирусных свитков. Там работали такие учёные, как Эвклид и Архимед. Следующая библиотека, относящаяся к Средневековью, – библиотека Аббасидов в Багдаде (Ирак). «Байт ал-Хикма» («Дом мудрости») был известен как первая большая библиотека Багдада.

Действительно, древние библиотеки заложили основы современных систем знаний, сохраняя тексты по таким наукам, как философия, медицина и история.

Ключевые слова: библиотека Ашурбанипала, глиняные таблички, эпос «Гильгамеш», библиотека Александрии, папирусные свитки, королевская библиотека, эпоха Возрождения.

Дастлабки кутубхона
шаклланиши
жараёни қадимги
лой лавҳалардан
замонавий рақамли
китобларга
қадар маданий,
интеллектуал ва
ижтимоий марказлар
бўлиб хизмат қилган
цивилизациялар
билан бир қаторда
ривожланди



кутубхоналар инсоният цивилизациясининг энг муҳим ютуқларидан биридир. Қадимги дунё кутубхоналари нафақат «матнлар омбори», балки билим, маданият ва бошқарувнинг жонли марказлари сифатида фаолият юритган. Бу муассасалар олимлар, ҳукмдорлар ва дин пешволари учун билимларни тўплаш,

сақлаш ва тарқатиш учун марказ бўлиб хизмат қилган.

Дастлабки кутубхона шаклланиши жараёни қадимги лой лавҳалардан замонавий рақамли китобларга қадар маданий, интеллектуал ва ижтимоий марказлар бўлиб хизмат қилган цивилизациялар билан бир қаторда ривожланди. Ҳ.Г.Уеллс ўзининг «Та-

рихнинг мазмуни» асарида қадимги кутубхона- нани «дунёдаги тарихий ҳужжатларнинг энг қимматли манбаи» деб атайди.

Дунё тарихидаги ilk кутубхоналарнинг яратилиши ва уларнинг тараққиёт жараёни- ни Месопотамия, Миср ва Ўрта аср, Уйғониш даври «Байт ал-Ҳикма» (Ҳикматлар уйи) ку- тубхоналари мисолларида кўриб ўтамиз.

Кутубхоналар тарихи тахминан 5000 йил аввал Месопотамияда лой лавҳалар билан бошланган. Ёзувнинг пайдо бўлиши ҳали китоб кўринишида бўлмаса-да кутубхона- ларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Маъ- лум бўлган энг қадимги тўпламлар қадимги Месопотамияга, яъни милоддан аввалги 3000 йилларга тўғри келади. Шумернинг Урук каби шаҳар-давлатларида уламолар миҳхат ёзуви билан лой лавҳаларга ёзишган. Мазкур ёзувларда солиқ ёзувларидан тор- тиб эпик шеърятгача, масалан, «Гилгамиш» достонини кўришимиз мумкин. Лавҳалар ибодатхона ёки сарой архивларида сақлан- ган. Лой лавҳалар руҳонийлар, ҳукмдорлар ва маъмурлар учун «прото-кутубхона» ва- зифасини ўтаган. Бу кутубхоналар турли цивилизациялар, жумладан, шумерлар, бо- билликлар ва оссурияликлар бўйлаб билим, адабиёт ва маданий меросни сақлашда ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Месопотамия кутубхоналарини учта асо- сий турга бўлиш мумкин: ибодатхона кутуб- хоналари, сарой кутубхоналари ва шахсий кутубхоналар. Бу муассасаларда лой лавҳа- ларда миҳхат ёзуви билан ёзилган адабий асарлар, диний матнлар, фол очиш матнлари ва тарихий ҳужжатлар каби жуда кўп матнлар жойлашган. Месопотамия кутубхоналарининг аҳамияти бутун дунё бўйлаб кутубхона тизим- ларининг ривожланишига таъсир кўрсатган. Улар билимни сақлаш ва тарқатишнинг муҳим марказлари бўлиб хизмат қилган.

Ашурбанипал номи билан аталган Ашур- банипал Қироллик кутубхонаси 30 000 дан ортиқ лой лавҳалар ва парчалар тўплами бўлиб, эрамыздан аввалги VII асрга оид бар- ча турдаги матнларни, шу жумладан, турли тиллардаги матнларни ўз ичига олади. Унинг фондлари орасида машҳур «Гилгамиш» дос- тони ҳам бор эди.

Миҳхат белгилар билан ҳўл лой лавҳа- га кўпинча қамишдан ясалган қалам билан ўйиб ёзилган. Ёзилганидан сўнг, тайёр лой лавҳаларни қуёшда ёки ҳавода қуритилган. Кейинчалик, бу пиширилмаган лой лавҳалар- ни сувга намлаш орқали янги тоза лавҳалар ҳозирлаб уларга қайта ёзиш мумкин эди. Яна



Ашурбанипал Месопотамия кутубхонаси
Милоддан аввалги 1500–539 Галерея, Британия музейи.

шундай лой лавҳалар ҳам борки, бир вақтлар ёзилган бўлса-да, атайлаб иссиқ печларда ёқиб юборилган ёки бинолар тасодифан ёки можаролар пайтида ёниб кетганда, уларни қаттиқ ва бардошли қилиб қўйган. Ушбу лой лавҳалари тўпламлари кутубхона ҳақида ilk архив ҳужжатлари сифатида намоён бўлди. Улар биринчи кутубхоналарнинг илдизиди эдилар. Яқин Шарқда ўн минглаб ана шундай ёзма лавҳалар, жумладан, кўплаб парчалар топилган. ►



Нео-Оссурия лой лавҳаси. «Гилгамиш»
достони, Таблет 11: Тўфон ҳикояси.
Ашурбанипал кутубхонасидан «Тўфон
лавҳаси» номи билан танилган, милоддан
аввалги VII аср.

Месопотамия кутубхоналарини учта асосий турга бўлиш мумкин: ибодатхона кутубхоналари, сарой кутубхоналари ва шахсий кутубхоналар. Бу муассасаларда лой лавҳаларда миҳхат ёзуви билан ёзилган адабий асарлар, диний матнлар, фол очиш матнлари ва тарихий ҳужжатлар каби жуда кўп матнлар жойлашган



Баъзи археологик далилларга асосланган Искандария кутубхонасининг бадий тасвири.

Ашурбанипал кутубхонаси замонавий тарихчиларга қадимги Шарқ халқлари ҳақида маълумот беради.

Қадимги кутубхоналар қаторига Мисрда милoddан аввалги 300-йилларда Птолемейлар сулоласи даврида ташкил этилган

Птолемей ҳукмдорлари бутун дунё бўйлаб матнларни олиш учун элчилар юбордилар. Кутубхонада турли асарлар, жумладан, юнон, миср, иброний ва месопотамия тилларида матнлар мавжуд эди. У эски қўлёзмаларни асл нусхаларини сотиб олишга урғу берди



Яҳё ибн Воситий тасвирланган қўлёзма Франция миллий китобхонасида жойлашган Ҳаририй мақомидан топилган. Расмда ўқувчилар бўлган кутубхона тасвирланган.

Искандария кутубхонасини киритиш мумкин. Птолемей Сотер томонидан кутубхона яратилган ва унинг давомчилари томонидан кенгайтирилган У бутун дунё билимларини тўплашни мақсад қилган. У ерда Эвклид ва Архимед каби олимлар фаолият юритишган. Искандария кутубхонасида 400 000 тагача папирус ўрамларни сақлагани ҳақида тахмин қилинади.

Искандария кутубхонасининг асосий мақсади Мисрнинг бойлиги ва интеллектуал етакчилигини намойиш этиш эди. Шунингдек, у адабиёт, илм-фан, тиббиёт ва фалсафа каби турли соҳаларда илмий фаолиятга ёрдам берувчи тадқиқот ва таълим маркази бўлиб хизмат қилган.

Кутубхонанинг асосий фаолиятларидан бири папирус ўрамли тўплам йиғиш эди. Птолемей ҳукмдорлари бутун дунё бўйлаб матнларни олиш учун элчилар юбордилар. Кутубхонада турли асарлар, жумладан, юнон, миср, иброний ва месопотамия тилларида матнлар мавжуд эди. У эски қўлёзмаларни асл нусхаларини сотиб олишга урғу берди. Шулардан эътиборлиси, Гомер шеърлари ва илк фалсафий асарларини киритиш мумкин.

Бу ерда олимлар ўзаро ҳамкорлик муҳотида ишладилар, уларда маъруза заллари, йиғилиш жойлари, боғлар ва овқатланиш жойлари – замонавий академик кампуслар жойлашган.

Ўрта асрларга оид навбатдаги кутубхона бу Ироқнинг Бағдоддаги Аббосийлар кутубхонаси ҳақидадир. Байт ал-Ҳикма «Ҳикматлар уйи», Бағдоднинг дастлабки катта кутубхонаси сифатида танилган. Маълумотларга кўра, у ислом олтин асрида дунёдаги энг йirik жамоат кутубхоналаридан бири бўлган ва VIII аср охирида Аббосийлар даврининг бешинчи халифаси Ҳорун ар-Рашиднинг (786–809) тўпламлари учун кутубхона сифатида ташкил этилган.

Араб тилидаги нодир китоблар ва коллекцияларни сақлаш еттинчи аббосий халифаси ал-Маъмун даврида (милodий 813 – 833) давлат академияси ва кутубхонага айлантирилган.

Кутубхонанинг дастлабки номи «Хизанат ал-ҳикма» (сўзма-сўз «Ҳикматлар омбори») унинг нодир китоблар ва шеърятни сақлаш жойи вазифасидан келиб чиққан бўлиб, «Ҳикматлар уйи»нинг вайрон бўлгунига қадар асосий вазифаси бўлган. Ҳикматлар уйида ёзувчилар, таржимонлар, муаллифлар, олимлар, уламолар ва бошқалар ҳар куни таржима, ёзиш, суҳбат, ўқиш ва илмий муно-

заралар учун учрашишарди. Бу уйда турли тиллардаги бир қанча илмий тушунчалар ва фалсафий мавзуларни қамраб олувчи кўплаб китоблар ва ҳужжатлар таржима қилинган. Тиббиёт, алхимия, физика, математика, астрология ва бошқа фанлар бўйича юнон, латин ва форс тилларида ёзилган китоблар ҳам ўша даврда мусулмон олимлари томонидан тўпланиб, таржима қилинган. Умавийлар қозғош ясаш техникасини хитойликлардан ўзлаштириб, ўз ҳукмронлиги остидаги кўплаб қадимий интеллектуал марказлар билан ҳамкорлик олиб бордилар ва асарларни араб тилига таржима қилиш ва янги билимларни ривожлантириш учун насроний ва форс олимларини жалб қилганлар.

Халифа Ал-Маъмуннинг илм-фанга меҳри шу қадар кучли эдики, у ҳарбий юришларда ўлжа сифатида илмий матнларни афзал кўргани айтилади. Қолаверса, Аббосийлар халқининг ўзи ҳам илмнинг қадрини тушуниб, савдогарлар ва ҳарбийлар томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланди. Олимлар ва таржимонлар учун тирикчилик қилиш осон эди, илмий ҳаёт эса жамиятдаги юксак мавқедадан далолат берар эди. Илмий билимлар шу қадар қимматли ҳисобланардики, китоблар ва қадимий матнлар баъзан бойликдан кўра уруш ўлжаси сифатида афзал кўриларди.

Халифа Ал-Маъмун «Ҳикматлар уйи»нинг кундалик ҳаёти билан шахсан шуғулланиб, унинг уламоларини зиёрат қилиб, уларнинг фаолияти билан қизиқиб турар эди. Шунингдек, халифа илмий мунозараларда қатнашади ва ҳакамлик қилади. Ал-Маъмун илмга интилишни яхши кўришининг сабабларидан бири унинг бир пайтлар кўрган тушида эканлиги айтилади. Тушида уни Аристотел зиёрат қилгани айтилган, у ерда улар нима яхши эканини муҳокама қилишган. Аристотелдан илҳомланиб, ал-Маъмун мунтазам равишда олимлар ва таржимонлар ўртасида илмий кенгашлар ўтказарди.

Ал-Маъмун, бегона юртлардан турли қимматли асарлар, матнлар йиғиш учун «Ҳикматлар уйи»дан олимлардан иборат экспедицияларни турли давлатларга юборар эди. Бош кутубхоначиларидан бири Саҳл ибн Ҳорун шу мақсадда Константинополга юборилган.

Дарҳақиқат, қадимги кутубхоналар фан, фалсафа, тиббиёт ва тарих каби фанлар бўйича матнларни сақлаб қолиш орқали замонавий билим тизимларига асос солган. Гарчи кўпчилик урушлар ёки эътиборсизлик туфайли вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетган ёки йўқолган бўлса-да, уларнинг таъсири бу-



Илк илмий қўлёзмалар Аббосийлар даврида пайдо бўлган

гунги кутубхоналарда инсониятнинг билимга бўлган доимий изланишларининг рамзи сифатида сақланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Cineiform Digital Library Initiative, топилган лой лавҳаларнинг (ёки парчаларнинг) умумий сони 500 000 тахмин қилади.
2. Tackett, David; Odliha, Marianna; Ling, Denis (2002). «Chinaiform лой лавҳалари яхшилаш учун олов». Табиатни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар. 47 (1): 1-11. doi : 10.2307/1506830 . JSTOR 1506830 .
3. Британия музейидан Ашурбанипал кутубхонаси лойиҳаси (1-босқич).
4. Murray, Stuart AP (2009) Кутубхона: тасвирланган тарих. Чикаго, ИЛ: «Skyhorse» нашриёти (9-бет)
5. Polastron, Lucien X.: «Ёнаётган китоблар: Дунёнинг буюк кутубхоналарининг шов-шувли ҳикояси» 2007, 2-3-бетлар, Thames & Hudson Ltd, London
6. Чандио, Абдул Раҳим (2021 йил январ). «Донишмандлар уйи (Байтул-Ҳикма): Аббосийлар халифалигининг шонли даври ва илм-фан ривожидан далолатдир». Муҳандислик ва ахборот тизимлари халқаро журнали . ISSN 2643-640X . 2023-йил 26-мартда асл нусхадан архивланган. 2022-йил 9-июлда олинди.
7. Брентжес, Соня; Моррисон, Роберт Г. (2010). «Ислом жамиятларида фанлар». Исломнинг янги Кембриж тарихи. жилд. 4. Кембриж: Кембриж университети нашриёти. n. 569. ISBN 978-0521838245 ■



Милоддан аввалги 3-аср, Искандария кутубхонаси асосчиси Птолемей II Сотер тасвирланган эллинистик бюст. Лувр, Париж